

Энг кўп мусулмон яшайдиган мамлакат сайёҳлик саммитини ўтказмоқчи



15:00 / 18.02.2019 2089

Дунёда аҳоли сони бўйича тўртинчи ўринда турувчи ва энг кўп мусулмон жамоасига эга бўлган Индонезия мамлакати исломий сайёҳлик бўйича юқори мавқега эришмоқчи.

Мамлакат Туризм вазири Ориф Яҳё туризм соҳасидан асосий мақсад, ҳалол туризмни кучайтириш билан бир қаторда мусулмон сайёҳларни энг кўп қабул қиладиган давлатга айлантириш лозимлигини маълум қилди, деб хабар беради Tempo газетаси.

Ориф Яҳёнинг таъкидлашича, ҳалол стандартларини янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятини MasterCard ва CrescentRating томонидан ишлаб чиқилган “Мусулмонлар учун саёҳат имтиёзлари индекси” талабларига мувофиқлаштириш лозим. Маълум бўлишича, ўтган йили Индонезияга 3.5 млн саёҳ келган, жорий йилда эса 5 млн. мусулмон сайёҳлар келиши режалаштирилган. Мусулмон сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратган давлатлар қаторида Индонезия Малайзия ва БААдан кейин учинчи ўринни эгалламоқда.

Islom.uz портали таҳририяти